
КОРРУПЦИЯ ОИД ХАБАР БЕРГАН ЁКИ КЎМАКЛАШГАН ШАХСЛАР РАЎБАТЛАНТИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил

31 декабрь кунги 829-сонли қарори билан “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни раъбатлантириш” тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Ушбу Низом “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси [Конунига](#) мувофиқ коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни раъбатлантириш тартибини белгилаб, унга асосан коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахслар раъбатлантирилиб, раъбатлантириш бир марталик пул мукофоти, ташаккурнома ёки эсдалик совға шакли тариқасида белгиланди.

Шахс коррупцияга қарши курашишга муносиб ҳисса қўшганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат мукофотига ҳам тавсия этилиши мумкинлиги ҳам Низомда кўрсатилган.

Жумладан, коррупцияга оид маъмурий ҳуқуқбузарликлар - Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси [611](#), [1931](#) ва [1932-моддаларида](#) назарда тутилган қилмишларидан, коррупцияга оид жиноятлар эса Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 167-моддасининг иккинчи қисми “г” банди, 168-моддасининг учинчи қисми “в” банди, [192⁹](#) ва [192¹⁰](#), [205](#), [209 - 214-моддалари](#), [243-моддасида](#) назарда тутилган жиноятларни мансаб мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиш ва [301-моддасида](#) кўрсатилган ижтимоий хавфли қилмишлардан иборат.

Коррупцияга оид жиноятларни аниқлаш ва фош этиш Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментига тезкор-қидирув тадбирларини ҳамда процессуал ҳаракатларни амалга оширувчи органлар сифатида кўрсатиб ўтилган.

Мазкур низом жамиятда коррупциянинг барча кўринишларига мурасасиз муносабатни шакллантириш ҳамда ушбу соҳада давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш, коррупцияга оид жиноятларнинг барвақт профилактикасини таъминлаш, бунга имкон бераётган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, аҳолининг коррупцияга қарши курашишдаги фаоллигини янада оширишга қаратилгани билан долзарбдир.

Қ.Абдуллаев

Жиноят ишлари бўйича

Кува тумани судининг судьяси

2021-01-18 19:41:44